# КЕЛАЖАККА ЭНДИ ДАДИЛ БОРАМИЗ

(Давоми. Боши 1-бетда).

лари худди қуюндек ёв бошига балолар ёғдирган мардлар ҳақида асарлар ёзилди, қўшиқлар тўқилди. Улар тилдан-тилга, элдан-элга ўтиб, бизгача етиб келди.

... Соҳибқирон Темурнинг номини тилга олганда жисмимизга илоҳий нур югургандек бўлади. Бу зоти бобаракот тасбеҳ доналаридек сочилиб кетган марваридларни бир шода ипга тизолган, жаҳонни ларзага келтирган давлат тузолган мардимайдондир. Самарқанддаги қадим чинорлар, қадим кошоналар аслида мард Темур шаънига битилган табаррук қўшиқнинг бандларидир. Соҳибқирон Темур ўз мардлиги билан, донолиги билан буюк шахсдир. Ривоят қиладиларки, Амир Темур ўзининг илк ғалабасидан маст бир пайтда асир олинган душман сарбозларини олиб келибдилар. Уларга қандай жазо беришни билмаган Темур пири устозидан маслаҳат сўрабди. "Аввал менинг лашкарларим сафида бўлинглар, деб ташвиқот қил", дебди устоз. Темур худди устоз айтганидек йўл тутибди. "Энди, — дебди устоз, — сенга итоат қилганларни ҳеч иккиланмай қатлга буюр. Чунки, ўз шоҳига хиёнат қилиб, сенга осонгина бўйсунганлар вафо қилмайдилар. Сенга хизматдан бош тортганларга "Сизга ҳеч қачон қарши қурол кўтармайман", деб қасам ичириб, озод эт. Улар душманга тобе бўлишни истамаган мардлардир. Мардлар эса, қасамни бузмайдилар. Бу энг адолатли иш бўлади". Амир Темур мана шундан кейин "Куч — адолатда" сўзини шиор қилиб олган эканлар.

... Мард қаҳрамонлар. Улар беҳисобдир. Рус босқинчиларига қарши бош кўтарган Намоз Пиримқул ўғлини бир эслайлик. Босмачи деб тамға босилган Мадаминбек, Шермуҳаммадларни юрт хоини аташга ҳақлимизми? Ахир улар ҳақида одил фикрларимизни айтишимиз керак-ку! Босмачи бўлса, душман аскарлари учун босмачидир. Уларга қўққисдан ҳужум қилгани боис, шундай аташгандир. Лекин улар юртимизни озод қилиш учун жангга кирган мардлар эди-ку?! Шу йўлда бошларидан жудо бўлишса ҳам мақсадларидан қайтишмади-ку?!

... Қатағон кундасида жасадлари қолган халқимизнинг минглаб асл фарзандлари-чи?! Кундадаги қонлар сўзласин уларнинг мардлигини. Орзу-армонлари ўзлари билан кетган бу инсонлар мардлик намуналарини кўрсатдилар ва авлодларга мангулик сабоғини бердилар.

Мардлар ватани бўлган Ўзбекистонда ҳамиша мардлар яшаб келган. Уларнинг ҳаммаси ватанпарвар эди. Уларга биров сен қўлингга қурол ол, мана шу юрт муқаддаслиги учун майдонга кир демаган. Ёки Имом ал-Бухорийга фақат нон еб, сув ичиб, Пайғамбаримиз ҳадисларини китобат қил, деб биров буюрмаган. Ул зот ўз ихтиёри ила, мардлик туйғуси ила шу ниятга бел боғлаганлар. Уларнинг ватанпарварлиги, мардлиги миллатимизга чексиз куч-қудрат бахш этмоқда.

Илдизларимизга беомон болта урганлар халқ қаҳрига дучор бўлди. Айни дамларда шу илдиздан озиқ олганлар мард аждодларимиз эканлигини асло унутмайлик. Уларнинг номи худди машъаладек йўлларимизни, дилларимизни ёритиб турибди.

... Бундан тўққиз йил аввал Ўзбекистонни мустақил давлат деб эълон қилган Президентимиз Ислом Каримов мардлик, матонат, садоқат, фидойилик тимсоли бўлиб қолажак. Истибдод занжирларини мардона узиб ташлаб, "энди танлаган йўлимиздан ортга қайтиш йўқ", дейиш учун қанчалар жасорат керак! "Халқим, Ватаним, энди сен озодсан, мустақилсан!" деб айтиш учун мардликка тўла асл юрак керак! Тўққиз йил давомида юртимизнинг довруғига довруғ қўшиб, халқини кўзланган мақсад — буюк келажак сари қатъият билан етаклаб бориш чинакам мардликдир.

Шонли тарихимиз — мардлар тарихи. Сўнгги тўққиз йил мобайнида амалга оширилган ишларга бир назар солайлик. Юртимизнинг пойтахти бўлган Тошкент яшариб, чинакам навқирон шаҳарга айланди. Бепоён Ватанимизнинг ҳар битта гўшасида амалга оширилаётган ишлар мардлик намунаси эмасми? Қурилаётган корхоналар, ноёб иншоотлар, кишиларнинг ўзгараётган дунёқараши, тафаккури мардлик мевалари эмасми? Ҳатто Амир Темур даврида ҳам бунчалик миқёсда қурилишлар бўлмагандир. Буюк ўзгаришларда Президентимизнинг бевосита ташаббускорлиги, фидокорлиги, донолиги акс этиб турибди. Буни халқимиз эътироф этяпти, жаҳон аҳли тан беряпти.

Мана шунинг учун ҳам халқимиз ҳеч иккиланмасдан аҳиллик ва бирдамлик кўрсатиб, 9-январдаги Президент сайловида Ислом Каримов учун овоз берди. Мана шунинг учун ҳам ёшу қари Президентимизга ишонч билдириб, юртимиз келажагини, демак, ўз тақдирини унинг қўлларига топширди. Бу қўллар эса мақсад сари дадил одимлаётган буюк карвон — Ўзбекистонни нурафшон манзиллар сари олиб боради!

Бугун ҳар бир ватандошимга шундай дегим келади: Ватанни сев, севганда ҳам, Аср инсони деб эътироф этилган Юртбошимиз каби сев! Ватаннинг ҳар бир гиёҳи биз учун муқаддасдир. Уни Юртбошимиз қадрлагандек қадрла! Бу Ватанда мардлар яшаган. Сен ҳам мардона яша!

Туйғуларим эса туғёнга келиб сатрларга кўчади:

*Тўлқинлар сапчийди*
*ўжар, омонсиз,*
*Қирғоқ қирғоқ эмас асло*
*уммонсиз.*
*Булутлар кезади бепоён*
*кўкда,*
*Ёронлар, бўлганми қуёш*
*осмонсиз.*

*Тоғларнинг кўркидир яшил*
*арчалар,*
*Ҳарсангнинг бағрини гиёҳ*
*парчалар,*
*Бир сўзнинг маъноси*
*чуқур қанчалар:*
*Манзилга етарми, карвон*
*сарбонсиз!?*

*Биламиз, сиз учун*
*берилган овоз,*
*Буюк истиқболга*
*айтилган чин роз,*
*Ҳар тилда янграйди*
*шундайин эъзоз:*
*Сиз элга энг содиқ даҳо*
*инсонсиз!*

*Шарафли йилларнинг*
*қарори шудир,*
*Мунаввар йўлларнинг*
*қарори шудир,*
*Миннатдор дилларнинг*
*қарори шудир:*
*Олға бошлайверинг, бизни*
*ҳар он Сиз.*

*Келажакка энди дадил*
*борамиз,*
*Умидни манглай терга*
*қорамиз,*
*Чеҳрангизга боқиб юртни*
*кўрамиз,*
*Ислом ота, бизга*
*Ўзбекистонсиз.*

Бу сўзлар ҳар бир ватандошимизнинг дилида ёниб турганига ишончим комил.

**Темур УБАЙДУЛЛО.**

*Муштарий мактуби*

## ЎҒЛИМ БАРҲАЁТ ЭКАН...

Эл саломатлиги йўлида қирқ йилдан ортиқ меҳнат қилдим. Уч ўғил, уч қизни тарбиялаб, вояга етказдим. Ҳаммаси уй-жойли, касб-ҳунарли бўлди. Энди қарилик гаштини суриб, бир этак набираларим билан дилим қувнаб юрганимда, бошимизга оғир кулфат тушди. 34 ёшли бош болам Фарҳоджон Бойзоқов ишдан юраги санчиб келди-ю, инфаркт бўлиб, бевақт вафот этди. Божхона хизматида ишлаб, ўзини кўрсата олган, яхши унвонларга эга бўлган ўғлимнинг тўсатдан вафот этиши юрагимни эзиб, вайрон қилиб юборди. Унинг фарзандлари — 6 ёшли қизи Зубайда, 2 ёшли ўғли Зоҳиджонни кўрдим дегунча, кўзимдан шашқатор ёш оқади.

Мен бу гапларни ёзиб, дардимни ҳаммага айтиб, ўзимни енгиллатмоқчи эмасман. Фақат юртдошларим, ўғлимнинг ҳамкасблари, раҳбарларининг одамгарчилиги, меҳрибонлиги, дардкашлигини айтмоқчиман, холос.

Таъзия куни Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси раиси, генерал-майор Ўткир Комилов. Тошкент вилоят божхона бошқармаси бошлиғи, божхона хизмати полковниги Алишер Омонбоев, шу бошқарма бошлиғининг биринчи ўринбосари, божхона хизмати полковниги Тошмуҳаммад Абдувалиевлар бизга ҳамдард бўлишди. Дафн маросимларининг деярли ҳамма сарф-харажатларини ўз зиммаларига олишди. Ҳозир ҳам тез-тез келиб, хабар олиб туришибди. Мен оиламиз номидан ҳаммаларига минг-минг карра ташаккур айтаман. Ҳеч қайсиларининг уйларида, оилаларида, бевақт ўлим бўлмасин. Фарзандларининг орзу-ҳавасларини кўришсин.

Ёзнинг охирги куни Бекобод атрофидаги божхона постлари бошлиқлари келишди. Фарҳоджон ҳамкасбларига: "Қизим Зубайдани 6 ёшдан мактабга бермоқчиман", — деган экан. Улар набирамга мактаб учун ҳамма керакли нарсани бир сидра эмас, икки сидрадан олиб келишибди. Кичик набирамга аталган кийиму ўйинчоқларни айтмайсизми?! Мен нарса учун эмас, ҳурмат-эътибор учун ташаккур айтаман. Раҳмат сизларга, ўғлонларим, сизларнинг ҳар бирингизда ўғлимни тирикдек кўраман. Ҳаммангизга 2000-йил тинчлик-омонлик келтирсин.

**Меҳриниса АБДУРАЗЗОҚОВА,**
**Бекобод тумани, Тақачи қишлоғи.**

*Миллий дастур*

## ОЛМАЛИҚДА ШУНДАЙ МАКТАБ БОР...

*1998-1999 ўқув йилида Олмалиқ шаҳридаги Искра Ивановна Пак раҳбарлик қилаётган 16-ўрта мактабнинг 45 нафар битирувчисидан 43 нафари олий ўқув юрти талабалари бўлдилар. Бу Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалий ифодасидир.*

ЁДИМДА бор. Ўшанда Олмалиқ шаҳридаги мактаблардан бирида ўқув тизимига рейтинг усулини жорий этишга бағишланган илмий-амалий семинар борарди. Йиғилишда Республика Халқ таълими вазирлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси мутахассислари, ўқитувчилар минбарга чиқиб ўз тажрибалари ҳақида гапира бошладилар. Биров янгиликни қўллаб-қувватласа, бошқа биров эскича баҳолаш усули ёмон эмасди, деб фикр билдирарди.

Баҳсларга тўла, эркин ўтаётган бу анжуман бошқарувчиси сўз навбатини Искра Ивановна Пакка берди.

— Азиз ҳамкасблар, — деди у, — мен бор вужудим билан рейтинг усули тарафдориман. Худди шу йўналишгина болаларда дарсларда фаол қатнашишни, ҳар бир фан бўйича мавзуларни чуқур ўзлаштиришни таъминламоқда. Ўқувчилар ташаббускорлигини оширмоқда.

— Масалан, самараси ҳақида гапиринг, — деди иштирокчилардан бири ўтирган жойида эътирозли оҳанг билан.

— Марҳамат, самараси шундай. Биз рейтинг усулини қўллай бошлаган 1992 йилдан бошлаб 1996 йилгача битирувчиларнинг юз фоизи, 1997 йилда — 91, 1998 йилда эса 92 фоизи олий ўқув юртларига кирдилар. Ўтган йили эса 45 нафар боладан 43 нафари тест синовларидан ўтиб, талабалик шарафига муяссар бўлди. Анжуманимиз ниҳоясида мактабимиздаги ўқитувчилар, ўқувчилар билан суҳбатлашганингиздан сўнг бунга қандай эришаётганимиз янада равшанлашади.

Шу куни йиғилиш иштирокчилари Искра Пакдан мактаб жамоасининг иш тажрибасига оид бошқа янгиликларни диққат билан тингладилар. У ўзи раҳбарлик қилаётган билим даргоҳида ҳар бир фан бўйича моддий база мустаҳкамлиги, синфлар компьютерлашгани, энг муҳими ўқитувчилар салоҳияти юқори эканлигини гапириб берди. Кўп йиллардан буён касбига садоқат билан ишлаб келаётган Неля Тренина, олий тоифали ўқитувчилар — Татьяна Поликарпова, Светлана Виноградова кабиларнинг дарс ўтиш услубларидан мисоллар келтирди. Уларнинг ютуқлари вилоятда кенг ёйилаётгани ҳақида ҳам батафсил ҳикоя қилди.

Анжумандан сўнг семинар қатнашчилари 730 нафар бола билим олаётган бу мактабни бориб кўрдилар. Улар ҳар бир фан бўйича дид билан жиҳозланган синфларда, 20 минг нусхага яқин китоб сақланаётган кутубхонада, қироатхоналарда, барча шароитлар яратилган ўйингоҳ, спорт майдончаларида бўлдилар. Ўқитувчилар, ўқувчилар билан суҳбатлашдилар. Рейтинг тизимида баҳолашнинг қулай ва самарали эканлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Бу ерда ташкил этилган таълим-тарбия услуби бугунги кунда кўпчилик мутахассисларнинг эътиборини жалб этаётганининг туб моҳиятини тушуниб етдилар.

Яқинда мавриди келиб Искра Ивановна билан яна учрашиб қолдик. Суҳбат давомида яна анчагина янгиликлар бор, — деди директор самимият билан.

Чиндан ҳам кейинги йиллар ичида Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида мактаб жамоаси фаолиятида яна қатор ижобий ўзгаришлар рўй берибди. Билим муассасасида "жуфт соатлик" дарс ўтиш усули қўлланилмоқда. "Блок тизими" деб ном олган бу тартибда ўқувчи мавзулар бўйича кўпроқ илм олиш имкониятига эга экан. Айни вақтда машғулотларни ташкил этишга кетадиган вақтдан ҳам ютилмоқда. Уйга топшириладиган вазифанинг маълум қисми синфда бажарилгани учун болаларга анча енгиллик туғилди.

Мактабда ҳар ҳафтада "Маънавият соатлари" уюштириляпти. Уларга ўқитувчилардан ташқари, шаҳардаги маъмурий, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳам жалб этилмоқда. "Ёшларнинг жамиятдаги ўрни", "Мактаб, маҳалла, оила", "Сиз ҳуқуқни биласизми?", "Ўқувчи маънавияти унинг ҳуқуқий билимига боғлиқ" каби ва бошқа мавзулардаги суҳбатлар ҳамиша катта қизиқиш билан ўтмоқда.

И. Пак АКСЭЛС йўлланмаси билан АҚШнинг Колифорния, Лос-Анжелес, Мичиган шаҳарларида ўқиётган ўқувчилар — Дамир Гараев, Альбина Абселямова, Альбина Бахтиевалар ҳақида, "Умид" совриндори — Англиядаги ўрта мактабнинг юқори синфида тилни чуқур ўрганиб қайтиб, Тошкентда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетини битирган, ҳозир эса республика Ташқи Ишлар вазирлигида хизмат қилаётган собиқ талабаси Дилшод Миралимовлар тўғрисида ҳам қувонч ва меҳр билан гапирди.

— Сизни вилоятимизда, Президентимизнинг сайловолди учрашувларида сўзга чиққанингизни кўриб беҳад қувондим, — дедим Искра Ивановнага

— Мақтаняпти деб ўйламангу, менинг ҳаётимда бу кун унутилмас бўлиб қолади, — деди у, — ўша нутқимдаги рақамларга яна бир бор эътибор беринг-а, саккиз йил ичида вилоятимизнинг ўзидан турли танловларда ғолиб чиққан 60 нафар ўқитувчи, 85 нафар ўқувчи Олмония, Исроил, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Чехия, Словакияда ўқиб қайтишди. Истиқлолдан олдин бундай имкониятлар бировнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. Республикамизда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалий ифодаси худди ана шуларда кўзга яққол ташланади. Бу муваффақиятлар мазмунида мен тафаккури кенгайиб, маънавияти, билими бойиб бораётган соғлом авлод шаклланаётганидан беҳад қувонаман.

Ўттиз беш йиллик умрини халқ таълимига бағишлаган фидойи зиёкорнинг берилиб ифтихор билан сўзлашини тинглаш мароқли эди. У билан суҳбатлашар эканман, Юртбошимизнинг жаҳон андозасига мос, малакали кадрлар тайёрлаш тақдири ўқитувчига, унинг салоҳиятига боғлиқ деган фикрлари нақадар ҳаётий эканлигини ҳис этдим. Қани энди Искра Пак каби жонкуяр раҳбарлар, янгиликни қўллаб-қувватловчи ўқитувчилар кўпаяверса, деган ўйлар хаёлимдан ўтди.

**Саидвали ҲАСАНОВ.**

*Бугуннинг гапи*

## ИЗЛАГАНГА ИШ БИСЁР

***РЕСПУБЛИКАМИЗда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг самараларини бермоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш борасида миллий иқтисодиёт такомиллаштирилмоқда, камқувват корхоналар фаолияти қисқартирилиши ёки тугатилиши оқибатида меҳнат бозорида ишчи кучи ҳаракати кучайиб бормоқда.***

Меҳнат бозоридаги асосий вазифа — аҳолининг меҳнатда бандлигини юқори даражада таъминлашдан иборат. Шу мақсадда вилоятда аҳолининг меҳнатда бандлигини таъминлаш ва янги иш жойларини яратиш дастурлари ишлаб чиқилди.

Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш вилоят бошқармаси томонидан туман ва шаҳарларда ҳам режа асосида туман ва шаҳар меҳнат бўлимлари томонидан 25 марта бўш иш ўринлари ва лавозимларни эгаллаш меҳнат бозорлари ўтказилди. Унда иштирок этган 2748 нафар ишсиз фуқародан 1795 киши ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича маслаҳатлар олишди ва 548 нафар ишсизга ўзи танлаган ишга йўлланма берилди.

Йил мобайнида вилоятда ўтказилган меҳнат бозорлари ичида Бекобод туман хокимлиги меҳнат бўлими ташаббуси билан 1999 йил 10 декабрда ўтказилган меҳнат бозорида иштирок этган 17 корхона, ташкилот ва жамоа хўжаликлари ўзларида мавжуд 125та бўш иш ўринларни қўйишди. Жумладан, Давлат суғурта бўлими вакили лавозимига 10 ўрин, "Лочин" кичик корхонасида иқтисодчи-ҳисобчи, Давлат солиқ инспекцияси ҳуқуқшунос ва терғаш-текшириш бўлими бошлиғи лавозимига, марказий касалхонада эса педиатр, терапевт ва бошқа мутахассисликлар, "Гулшан" кичик корхонаси эркаклар сартароши, электрик, механик, тикувчи мутахассисликлари бўйича иш ўринларини тақдим этишди. Меҳнат бозорида хўжалик, корхона ва ташкилот раҳбарлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, касаба уюшма қўмиталарининг раислари ҳамда 306 нафар ишсизлар қатнашди.

Тадбир давомида корхона, ташкилот ва меҳнат бўлимлари масъул ходимлари иштирокчиларга уларни қизиқтирган, Ўзбекистон Республикасининг "Иш билан таъминлаш тўғрисида"-ги Қонуни ва Меҳнат Кодексида кўзда тутилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ишсизларни ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш, ишсизлик мақоми бериш, нафақа тайинлаш, ишсизнинг оиласига моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда касбга ўқиш даврида стипендия тайинлаш ва тўлаш тартиблари ва бошқа масалалар бўйича маслаҳатлар берилди. Шу куни меҳнат бозорида 40та ишсиз фуқаро ўзларига мақбул иш топдилар.

**А. СОБИТОВ,**
**Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш вилоят бошқармасининг бўлим бошлиғи.**

*Зангиота туманидаги "Гидравлика" заводи ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, меҳнатга муносабат, иш шароитлари ҳам ўзгарди. "Авваллари бу ерда трактор насослари таъмирланар эди, — деб ҳикоя қилади корхона раҳбари Ўткир Сайфуров. — Ҳозир эса, ўзимиз маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Авваллари тракторларга насослар хориждан келтирилар эди. Ҳар бири 30-35 долларга тушарди. Шу кунларда биз ишлаб чиқараётган НС-32 У, НС-46 У, НС-10 У русумидаги насосларнинг қиймати ўн ярим минг сўмдан ошмаяпти. 2000 йил учун Республикамиздаги бир қатор МТПлар, "Агромашсервис" тизимидаги корхоналар билан 150 миллион сўмлик шартномалар туздик. Яна бир ишимизга ривож берувчи омил — корхонамизнинг 51 фоиз акциясини Нидерландиянинг "COMPLECT EVROPA B. Y" фирмаси 438 минг долларга сотиб олди. Фирма бизга 2001 йилда 150 минг, 2002 йилда ҳам 150 минг доллар ажратади. Ўтган йил бошида хизматчиларимизнинг ойлик маоши 7,5 минг сўм бўлса, йил охирига келиб бу кўрсаткич 13 минг сўмга етди. Даромадга қараб буромад дейишгани шу бўлса керак".*

*Суратларда: пардозловчи Ш.Солматов иш устида; омбор мудири Р.Аҳроров тайёр насосларни кўздан кечирмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**





## ХИЗМАТИНГИЗГА ШАЙМИЗ!

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ТАДБИРКОРЛИК БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш бугунги кунда Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устивор йўналишларидан биридир. Ушбу соҳани ривожлантириш учун Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор Қарорлари қабул қилинган. Мана шу ҳужжатларда тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларга кўплаб имтиёзлар берилган.

Марказий Банк Тошкент вилоят Бош Бошқармаси томонидан мазкур қонунлар, фармонлар ва қарорларнинг Тошкент вилояти банклар тизимида вилоят Ҳокимлиги билан ҳамкорликда ижросини таъминлаш борасида барча зарур чоралар кўриб борилмоқда.

Айнан, 1999 йилнинг июнь ойида Марказий Банкнинг Тошкент вилоят Бош Бошқармаси таркибида "Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича банк тизимидаги мониторинги ва таҳлили" бўлими ташкил этилди.

Ўтган давр мобайнида Тошкент вилоятининг барча туман ва шаҳарларида товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, деҳқон ва фермер хўжаликлари, "Тадбиркор аёллар" уюшмалари, вилоят тижорат банклари бўлимлари ва бошқармалари раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар иштирокида ушбу фаолиятни қўллаб-қувватлаш борасида семинар-кенгашлар ўтказилди. Мазкур семинар-кенгашларда тадбиркорлар томонидан берилган турли хил саволларга жавоб берилди, тушунтириш ишлари олиб борилди.

Семинар-кенгашларда иштирок этган тадбиркорлар, тижорат банк бўлимларининг раҳбарлари йиғилиб қолган муаммоларни бир-бирларига очиқ-ойдин ва рўй-рост айтишди.

Тошкент вилоят тижорат банклари бўлимлари иш фаолиятларининг йил якунларини таҳлил этганимизда, вилоятдаги юридик ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсатувчи 48та банк бўлимининг жами кредит қўйилмалари таркибидаги кичик ва ўрта бизнес корхоналарига ажратилган кредитлар миқдори 2,3 млрд. сўмни ташкил этганини кўришимиз мумкин. Бу кўрсаткич, ўтган йил шу давр билан солиштирганда, 3 маротаба ўсганлигини таъкидлаш жоиздир.

Бош Бошқарма таркибидаги "Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича банк тизимидаги ишлар мониторинги ва таҳлили" бўлимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

- хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган амалдаги қонунлар, Республика Президентининг ушбу масаладаги Фармонлари ҳамда Республика Ҳукуматининг тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга оид қабул қилган Қарорлари ва Марказий банкнинг шу масаладаги қарорлари ва йўриқномаларини барча тижорат банклари томонидан изчиллик билан амалга оширилишини таъминлаш;
- банк тизимидаги бюрократия ва сансалорликка қарши курашиш;
- банк ходимларининг муомала маданиятини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиш;
- вилоят туманларида тадбиркорлар билан семинарлар ва "давра суҳбатлари"ни ташкил қилиш;
- тадбиркорлар фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларни доимий равишда оммавий ахборот воситалари орқали ёритиб бориш;
- тадбиркорлар фаолиятида юзага келаётган муаммоларни жойларга чиқиб ўрганиш, уларнинг талаб ва истакларини умумлаштириб, ҳал этиш бўйича зарурий чоралар кўриш учун Марказий банк раҳбариятига тақдим этиш ва бошқалар.

Тадбиркорлар ва банклар ўртасида юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш, ҳақиқатдан ҳам банклар мижоз учун хизмат қилишни таъминлаш мақсадида Марказий банкнинг Тошкент вилоят Бош Бошқармасида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Тадбиркорлар банк билан бўлган муносабатларида юзага келган муаммоларни ҳал этишда ушбу ишонч телефони орқали мурожаат этишлари мумкин.

**Телефон рақами: 133-79-06.**

Биз ушбу масалалар бўйича юзага келган муаммоларни жойларга чиқиш йўли билан бартараф этишда амалий ёрдам берамиз.

**Б. АЧИЛОВ,**
**Марказий банк Тошкент вилояти Бош Бошқармаси Иқтисодий таҳлил бўлими бошлиғи.**

# ОНА ЮРТ МАНЗАРАЛАРИ

Она юртимиз Ўзбекистоннинг табиати гўзал ва тароватли. Йил фаслларининг барчаси саҳоватли, уларнинг ҳар бирининг ўзига хос мазмуни, ранггин қиёфаси, манзаралари бор. Бундай сифатларни айниқса рассом-ижодкорлар тез илғаб оладилар ва ўзларининг сербўёқ, сержило, бетакрор асарларида акс эттирадилар. Мўйқалам усталари яратган натюрмортлар ҳамда манзара ранг тасвирлари асосида ҳар йили "Табиат ва рассом" номли кўргазма ташкил қилиш яхши анъанага айланиб қолган.

Шу кунларда Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида ана шундай навбатдаги катта кўргазма намойиш этилмоқда. Унинг кўп сонли муаллиф иштирокчилари қаторида Юрий Стрельников, Георгий Ткачёв, Ғофир Абдураҳмонов, Марат Содиқов, Абдували Мўминов, Мақсуд Тўхтаев, Муҳаммад Нуриддинов, Медат Кагаров, Бобониёз Қурбонов, Рустам Эминов, Муҳаммадёр Тошмуродов, Искра Шин, Муртазо Эргашев, Акмал Жамолов каби истеъдодли ижодкорларнинг номларини учратамиз. Ҳар бир рассомнинг топган мавзуси, воқелик талқини, тасвир воситалари, услубий йўли бир-бириникидан фарқ қилади.

Уларнинг айримлари табиат, атроф-муҳитдан олган таассуротларини натюрмортларда ифода этган бўлсалар, бошқалари манзарада тасвирлаганлар, яна бирлари эса, мавзули-воқеабанд мураккаб композициялар яратганлар. Аммо ҳар бир мусаввирни ўзлари яшаб турган жаннатмакон, муқаддас заминга, унинг бой тарихий-маънавий меросига, бағри кенг самимий инсонларига нисбатан бўлган чексиз муҳаббат ҳисси ўзаро бирлаштириб турганлигини асарлари моҳиятидан сезиб олишимиз қийин эмас.

Кўргазма янги-янги истеъдод соҳибларини кашф этилишига ҳам имкон бермоқда. Шундай ижодкорлар қаторида Руслан Халилов, Муҳаммад Рустамов, Светлана Шин, Татьяна Немцович, Ҳаким Мирзаҳмедов каби навқирон мусаввирлар номини келтириб ўтишимиз мумкин. Улар ўз тажриба, ўқиш-ўрганиш, бадиий мактаблари сабоқларини кўрикдан ўтказиш воситасида, кенг жамоатчилик -- томошабинлар ўртасида синаб кўрмоқдалар.

**Баҳром ТОЖИЕВ,**
***Ўзбекистон Бадиий академияси ижодкорлари уюшмасининг аъзоси.***

## ДОНО СЎЗ ДУНЁ КЕЗАР

- Калта ақлдан калта шим афзал.
- Қилмиши номақбул эканини ўғрининг ўзи ҳам билади.
- Ялқовликнинг илдизи – бекорчиликдир.
- Овқат келгандан сўнг қошиқ танлама.
- Якдил фикр бўлмаган жойда баҳсга ҳам ўрин йўқ.
- Нарвонни фойдаланилаётганда тузатмайдилар.
- Барчага маълум нарсаларни гўё янгилик деб кўрсатиш ўзига бино қўйганларнинг севимли машғулотидир.
- Оддий нарсани тушуниб бўлмайдиган қилиб тасвирлаш аҳмоқнинг ақллилигидир.
- Эзма нотиқ бир оёқда туриб сўзлагани маъқул
- Чақирилган меҳмондан ёмонлик кутма.
- Имконият – воқелик мезонидир.
- Камбағал одамларда ҳам баъзан пул бўлмай қолади.
- Пессимизм – қўрқоқ оптимизмдир.
- Кимда-ким сукут сақлашни билмаса, оғзига эҳтиёт бўлгани маъқул.
- Хушчақчақлик хушмуомаланинг табиий мундарижасидир.

***Немисчадан таржима қилиб Мирзаали АКБАРОВ. тайёрлади.***

2000 йил — Соғлом авлод йили

## ОЛАМ ҚУВОНЧЛАРИ СЕНГА, БОЛАЖОН

**(лавҳа)**

Осмони қуёш-ла заррин, беғубор Мустақил Ўзбекистон аталмиш кўҳна ва навқирон ўлкамиз Юртбошиси ҳамда унинг меҳри дарё аҳли улуси болажонликда тенгсиздир.

"Фарзандларимиз биздан кучли, билимдон, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт" деган Юртбошимизнинг доно ўгитлари катта маъно касб этади. Келажагимиз меваси, Мустақиллигимиз пойдевори қурувчиси, озод ва обод юртимиз ворислари баркамол, ақлли, меҳнатсевар, жисмонан бақувват бўлиб ўсишларига эътиборни қаратиш давримизнинг долзарб талаби бўлиши шарт. Бу борада оналик ва болаликни муҳофаза қилишни ўзининг устивор вазифаси деб билган ва фаолиятини шу мақсадларга йўналтирган "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси анчагина савобли ва хайрли ишларни амалга оширишга эришди. Бу жамғарманинг асосий тамойилларга асосланган дастурлари муҳим ижобий натижалар бермоқда.

Чақалоқ туғилди... Унинг беғубор нафасидан чиққан "инга"си борлиқни қамради. "Жажжи" юракчаси ҳали биллурдек мусаффо, дардсиз, аламсиз. Мана шу биллурнинг нафислиги, тозалигини сақлаб қолиш катталар, ота-оналарга боғлиқ, албатта.

Очилмаган беғубор гулғунчани авайлаб, асраб парваришласак, у албатта, юртимиз гуллоласига айланиши аниқ. Унинг чиройи, баркамоллиги, кўзларида балқиган меҳр нурлари, булоқ сувидек шаффоф покиза қалбига дарз етмай, дилларимизни қувонтирса не ажаб?! Улар қуёшдек порлоқ юртимиз озодлиги ва ободлигининг заррин шуълалари-ю, яна... азиз, мўътабар ота-оналарнинг нурли, ёрқин оламлари, ишонч, қувончлари оламига айлансинлар! Илоҳим келажагимиз улар билан порлаб, гуллаб-яшнасин!

***Маҳфуза НИШОНОВА.***

*Дилкаш суҳбатлар*

# ПИРИ КАЛОМ ДОНИШМАНД

***НУР шарқдандир, дейишади машойихлар. Бу гапнинг қанчалар ҳақ эканлигини бир мисолда кўрсак бўлади. 870 йилда ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий ҳазратлари ҳаётдан кўз юмди. Илм оламининг пешволари беназир ақл соҳибидан айрилиқ қайғусига чўмган бир паллада фалакдан гўё бир юлдуз ерга тушгандек бўлди. Самарқанд яқинидаги Мотурид қишлоғида бир ўғлон дунёга келди. Унга Абу Мансур деб исм бердилар. Шу ўғлон оламга илоҳиёт илмининг билимдони сифатида донг таратди. Имом Абу Мансур ал-Мотуридий дея довруғ қозонди. Ўзининг буюк ўтмишдоши ал-Бухорийнинг издоши бўлди. Бу Шарқдан жаҳонга таралаётган нур асло сўниш билмаслигининг, илму-ҳикмат хазинаси сира ҳам туганмаслиги ифодаси эмасми? "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси раисининг биринчи ўринбосари, таниқли шарқшунос олим Убайдулла Уватовнинг ҳикоясини тинглар эканман, ҳатто савол беришга ҳам журъат этолмасдим.***



**— Убайдулла ака, Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг насли-насаби ҳақида батафсил тўхталсангиз. Муштарийларимиз мумкин қадар кўпроқ маълумот олсалар...**

— Биласизми, олимнинг туғилган йили, унинг оиласи ҳақида тўлиқ маълумотлар йўқ ҳисоби. Ҳаттоки Абу Мансур ҳазратнинг ёшлик йиллари, илмий мероси ҳақида ҳам атрофлича тасаввурга эга эмасмиз. Борлари ҳам ал-Хатиб ал-Бағдодий, Абу Карим Саат ас-Санъоний, Абул Фидо Зайниддин Қосим ибн Қутлубуға, Абул-Муъийн ан-Насафий каби соҳиби илмларнинг асарларида зикр этилган.

Имом ал-Мотуридийнинг тўлиқ исми Муҳаммад ибн Маҳмуд Абу Мансур ал-Мотуридий ас-Самарқандий бўлиб, 870 йилда туғилган. 944 йилда Самарқанднинг Чекардиза қабристонига дафн этилгани аниқ кўрсатилган. Бўлажак аллома дастлабки таълимни ўз отаси Муҳаммад ибн Маҳмуддан, сўнгра ўша вақтларда тўлиқсиз таълим берувчи мактаб саналган қуттобда олган. Самарқанддаги Работи Ғозиён масжиди қошидаги мадрасада ўқишни давом эттиргани манбаларда қайд этилади.

**— Халқимизда "Устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар", деган нақл бор...**

— Абу Мансурнинг устозлари ўз даврининг етук алломалари бўлишган. Айниқса Абу Наср Аҳмад ибн ал-Аббос ибн Ал-Ҳусайн ал-Ийодий, Абу Бакр Аҳмад ал-Жузжоний, Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розийларнинг бўлажак олимга таъсирлари катта бўлган.

**— Абу Мансур калом илмининг энг йирик намоёндаси деб эътироф этилади. Келинг, дастлаб илми каломнинг ўзи нималигини билиб олайлик...**

— Маълумки, исломнинг сунний оқимида тўртта мазҳаб бор. Мотуридий абу Ханифа асос солган ханафийя мазхаби йўриқларига суяниб, фаолият кўрсатган. Эътибор бериб қарасак, Имом ал-Мотуридий яшаган давр — IX асрнинг иккинчи — X асрнинг биринчи ярми — исломий илмлар ва маърифатнинг гуллаб-яшнаганини кўрамиз. Олиму уламолар замона зайли билан ўз фикрларини эмин-эркин айтолганлар. Хуллас, ҳурфикрлилик ҳукм сурган. Бундай ҳол ривожланиш учун туртки бергани ҳолда турли-туман гуруҳлар, фирқалар, оқимлар, уларнинг тарафдорларига ўз ақидаларини ошкора айтишга имконият туғдирган. Айнан шу даврда Мовароуннаҳрда ҳам турли оқимлар юзага келган. Мўътазилийлар, жаҳмийлар, қарамийлар, муржъийлар ва бошқа тоифалар билиш назариясида хато қарашларга эга эдилар. Имом ал-Мотуридийнинг илмий-маънавий меросида ислом дини ақидаларининг софлигини ҳимоя қилиш ва бу оқимларга қарши кураш алоҳида ўрин эгаллайди. Илми калом — ақлий далил ва исботларга таянган ҳолда исломни ҳимоя қилиш, уни турли-туман нотўғри талқинлардан тозалаш демакдир. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг калом ва фиқҳ борасидаги қарашлари "Китоб ат-Тавҳийд" ва "Китоб таъвийлот аҳл ас-сунна" асарларида баён этилган.

**— Имом ҳазратларининг мерослари шу икки китобдан иборат бўлмаса керак...**

— Албатта. Алломанинг қаламига мансуб асарлар 15 тага етади. "Китоб ал-жадал" ("Диалектика ҳақида китоб"), "Китоб моахаз аш-шароиъа" ("Шариат асослари манбаи"), "Китоб ал-мақолот", "Китоб радд аъло-л-қаромита", "Китоб баён вахм ал-муътазила", "Китоб радд усул ал-хамса ли-Аби Муҳаммад ал-Боҳилий", "Китоб радд авоил ал-адиллат лил-Каъбий", "Китоб ваъид ал-фуссоқ лил-Каъбий", "Китоб радд таҳзийб ал-жадал ли-Каъбий", "Китоб радд ал-имомат ли баъз равофиз" кабилар шу жумладандир. Уларда турли оқимларнинг нотўғри қарашларига раддия билдирилган (бу уларнинг номларидан ҳам маълум), танқид қилинган.

**— Имом ал-Мотуридий замонасида калом илмининг бошқа намоёндалари ҳам бўлганми? Улар бирбирларини билишганми?**

— Бўлган, албатта. Имом Абу Мансур мотуридийяга асос солган бўлса, Басрада туғилиб, Бағдодда ижод қилган Абул Ҳасан ал-Ашъарий ашъарийя йўналишининг раҳнамоси бўлган. У шофеийя мазҳаби нуқтаи назаридан туриб, фаолият кўрсатган. Албатта, араб шарқида яшагани учун ал-Ашъарийнинг номи бирмунча кенг тарқалган. Имом ал-Мотуридий эса, Самарқанддан ҳеч қаерга чиқмай ижод қилган. Демак, улар бир-бирлари билан кўришмаганлар.

**— Сўзларингиздан англашиляптики, гарчи жаҳонгашта бўлмаса ҳам, Мотуридийнинг хизматлари беқиёс экан...**

— Биргина "Таъвийлот аҳл ас-сунна" (Бу китоб "Таъвийлот ал-Қуръон" деб ҳам юритилади) китобининг илмий-амалий аҳамияти жуда катталигига сабаб шуки, у аҳли сунна уламолари томонидан Қуръони Каримни шарҳлаш бобидаги биринчи уриниш бўлган. Ушбу шарҳ ақл ва нақл нуқтаи назаридан туриб, алломанинг ўзи айтганидек, "Хайрул умр авлотухо" (Ҳар бир ишнинг энг яхшиси — ўртачасидир) деган қатъий ақидага асосланиб бажарилган. Яна ҳам аниқроғи, Қуръони Карим Имом ал-Мотуридий томонидан калом илмига суяниб тафсир қилинган. "Китоб ат-Тавҳийд" ва "Таъвийлот аҳл ас-сунна" асарларида калом илмининг турли масалалардаги тўғри талқинлар илгари сурилган. Улар аллома ижодини ўрганишда алоҳида аҳамият касб этади. Шу ерда бир нафас ўтган йилда бўлиб ўтган фожиаларни эслайлик. Демак, дини исломни хато тарғиб қилаётганлар бугун ҳам оз эмас. Алалхусус, имом ҳазратлари ижодининг шу кундаги аҳамиятини ҳам таъкидлаб ўтиш керак.

**— Имом ал-Мотуридий инсоннинг ирода эркинлиги ҳақида ҳам ноёб фикрлар айтгани маълум...**

— Алломанинг фикрича, инсонларнинг бор қилмишлари — у хоҳ ёмон бўлсин, хоҳ савоб — Оллоҳнинг иродасидандир. Мотуридий таъкидлайдики, Оллоҳ таоло инсонларга ўз эркини берган ҳолда яратган. Гарчи унинг ҳатти-ҳаракатлари, интилишлари тақдири азалда битилган бўлса-да, лекин баъзи ишларда соҳиб ихтиёрлиги ҳам бор. Буни ал-Мотуридий "Афъоли ихтиёрий", яъни инсонда ирода эркинлиги мавжуд деб атайди. Буни қаранг, бундан 1100 йил аввал ватандошимиз кўпроқ тафаккурга суян, идрокка суян, деб айтиб кетибди. У инсон заковати чексизлигини таъкидлаган, шу ғояни илгари сурган.

**— Ҳазратнинг китоблари чоп этилганми? Қўлёзмалари қайси шаҳарларда сақланади?**

— "Китоб ал-Тавҳийд" Ливанда чоп этилган. Бундан ташқари Ҳиндистонда ҳам нашр қилинган. Буюк олимнинг қўлёзмалари Миср, Туркия, Ҳиндистон, Англияда мавжуд. Тошкентдаги Шарқшунослик институти кутубхонасида ҳам бор.

**— Шундай улуғ алломанинг шогирдлари ҳам бўлгандир?**

— Албатта. Абу Исҳоқ ибн Муҳаммад ибн Исмоил, Абу Муҳаммад Абу-л-Карим ибн Мусо ар-Раздавий, Абу Лайс ас-Самарқандий, Ас-Сафар ал-Бухорий — улар ўндан ошади. Ал-Мотуридий шогирдларининг энг таниқлиси Абул-Муъийн ан-Насафий бўлиб, у ўз асарларида, айниқса, "Табсират ал-адилла" ("Далиллар тилга кирганда") номли асарида Имом ал-Мотуридий ҳақида муҳим маълумотларни келтиради.

**— Тарихда зикр қилинишича, аллома энг юксак унвонлар билан сийланиб, тилга олинган экан. Ҳатто Алишер Навоий ҳазратлари у кишини эҳтиром билан ёд этган эканлар...**

— Ҳеч кимга ал-Мотуридийчалик кўп фазилатли нисбалар насиб этмаган бўлса керак. Таниқли муаррих ал-Кафавийнинг (бошқа муаррихларнинг ҳам) ёзишича, "Имом ал-Худо" ("Рушди ҳидоятга бошловчи имом"), "Қудват аҳл ас-сунна вал иҳтидо" ("Суннат ва ҳидоят аҳлига ибрат зот"), "Рофиъ-аълом аҳл ас-сунна ва-л-жамоа" ("Аҳли сунна ва жамоанинг байроғини баланд кўтарувчиси"), "Қолиъ азолийл ал-фитна ва-л-бидъат" ("Ҳурофот ва бидъатга ботган уйдирмаларни илдизи билан қўпорувчиси"), "Имом ал-мутакаллимийин" ("Барча мутакаллимларнинг имоми") каби юксак нисбаларга сазовор бўлган. Алишер Навоий ҳазратлари ҳам ўзининг "Насойим ул-муҳаббат" машҳур асарида "шайх Абу Мансур ал-Мотуридий ўз замонининг аълам уламоси эрмиш. Ул вақт уламоси аларни "Султонул муиззин" дер эрмишлар. Зоҳир ва ботин улумлари билан ораста эрмишлар", деб зикр этган эканлар.

**— Убайдулла ака, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси юбилей муносабати билан қандай режаларни мўлжаллаган?**

— Алломанинг ҳаёти, ижоди ҳақида бир неча китоблар чоп этилади. Унинг машҳур асарларини ҳам нашр этиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, радио, телевидениеда мунтазам эшиттиришлар, кўрсатувлар бериб борилади. Имом ҳазратлари ҳақида бадиий фильм яратиш юзасидан изланишлар олиб борилмоқда. Хуллас, режаларда иш кўп. Имом ал-Мотуридий маънавият хазинамиздаги ноёб дурдоналарни яратган алломадир. Хусусан, унинг исломнинг ҳаётбахш мазмун-моҳиятини тўғри талқин этишда турли-туман гуруҳларга қарши курашлари таҳсинга сазовор, ғоят ибратлидир. Алломанинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш, уни халқимизга етказиш зарур. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг таваллудининг 1130 йиллигини нишонлаш тўғрисидаги қарори мана шунинг учун ҳам беқиёс аҳамиятга моликдир. Унда қайд этилганидек, алломанинг Чекардиза қабристонидаги мақбарасини реставрация қилиш, олим номи билан аталган қадамжолар, обидалар рўйхатини аниқлаш, уларни таъмирлаш, консервация қилиш, "Имом ал-Мотуридий ва унинг ислом фалсафасида тутган ўрни" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказиш, почта маркалари чиқариш каби юмушлар борки, унда барчамиз иштирок этишимиз керак. Бу, айни пайтда, бизнинг буюк бобокалонимизга ҳурматимиз рамзи ҳамдир.

**— Раҳмат, Убайдулла ака, барча юмушларни амалга оширишда сизга, сизларга омад ёр бўлсин.**

***Суҳбатдош: Темур ЙЎЛДОШЕВ.***

*Ғазалхонлик*



***Вилоятимизда яшаб, ижод қилаётган адиб, "Ҳадемай баҳор келади", "Тонг", "Умидбахш тун", "Ҳур чўққилар", "Нон таъми", "Тўлин ой", "Қора қуюн", "Умр салтанати" каби ҳикоя ва қиссалар, "Кичик хонадон", "Номаълум қуш" романлари, рус тилидаги "Бумажная птица" ҳамда "Покланиш соҳили", "Синов манзили" шеърий китобларининг муаллифи — ёзувчи Ўктам Ҳакимали яқинда 60 ёшга тўлди. Адиб ҳозир ҳам тинимсиз ижод билан банд. Муштарийларимиз эътиборига унинг янги ғазалларини ҳавола қиламиз.***

* * *

*Бир эмас минг йиғларам оразин мажнун айлагач,*
*Яна минг бор йиғларам зулфини гулгун айлагач.*

*Ким демас ёр васлини ул эрур ҳайвонлик ҳавас,*
*Улким ҳайвондан ҳароб, ул пари Мажнун айлагач.*

*Тобакай нозу фироқ, тобакай бундоқ жафолиқ?*
*Бошни тутдим дорига қаддини мавзун айлагач.*

*Майхўр ўлдим кўйида, май базмини шод айладим,*
*Май, деб яна йиғларам ёшини маҳзун айлагач.*

*Тўйди жоним жабридан сабрим бағрин қон айлагач,*
*Дод деб нечун йиғламай ёшимни Жайҳун айлагач.*

*Жон деди: "Кутгил яна", кутдим ахир умринг аро,*
*Йиғлаб ўзни овутдим, кўнглимни беун айлагач,*

*Келди шитоб айлабон, кетдиким хароб айлабон,*
*Ўктам қонлар йиғлаган умрини тутқун айлагач.*

* * *

*Бул кўнгилнинг ҳасталиги асли ёмон жафодандир,*
*Жафо аҳлин севмаклигим билсанг агар вафодандир.*

*Мажнун каби тўлғансам гар топилмагай бир Лайливаш,*
*Ул Лайливаш фироқида чекканларим жазодандир.*

*Неча йилким ашким қонлиғ, куйгучи бир мискин топмам,*
*Мискин кунин кечирганим аён этсам, ризодандир.*

*Ғам тоғида пинҳондирман, бул кулфатни билмас башар,*
*Башар агар билмасаким, демакки, бу балодандир.*

*Ашким аро ниҳондурман, хабар топмай ухлар мардум,*
*Бул аросат дарди-доғи қошу кўзи қародандир.*

*Кимса борким, тарк айлагай фано мулкин йиғлабон зор,*
*Зорлик куни ишқ гулшанин тарк айламоқ адодандир.*

*Ўктам оҳи ёндирсаким, ул нотавон ишқ гулшанин,*
*Борки қайғу тақдир эрса ул бевафо гадодандир.*

* * *

*Бошни олиб кетгум элдан, бўлай, майли девоналар,*
*Ишқ савдоси тушиб бошга этди мани парвоналар.*

*Парвонасин зор қақшатиб, ғам тоғига банди қилди,*
*Топилмагай бу дунёда менинг каби ғамхоналар.*

*Ёниб битди сабри бардош васлин дариғ тутгач санам,*
*Тарки ватан айлай десам қилар яна гирёналар.*

*Кўнгил узса элким мендан, мен узмасман элдан кўнгил,*
*Ул дейдики, узгил кўнгил ё айлагум бегоналар.*

*Жаннат янглиғ бир чаманнинг завол билмас булбулиман,*
*Хонишимдан ўртар жаҳон чексам агар афғоналар.*

*Фарёд чекиб чиқсам йўлга толгай ватан ғам-андуҳга,*
*Кўнгил узиб нечук ундан бўлдим охир сарсоналар.*

*Сарсонасин, девонасин, ғамхонасин, парвонасин,*
*Тарк айлагай булкун Ўктам бўлиб телба*
*афсоналар.*

**Ўктам ҲАКИМАЛИ.**

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

## МУҲАББАТ МАШАҚҚАТИ

Атоқли кинорежиссёр Э. Рязановнинг "Италияликларнинг Россияда бошидан кечирганлари" номли фильмида ўйнаган эркак арслон билан уни ўргатувчи машҳур артист Берберовлар бир уйда туришади. Кунлардан бир куни Берберовлар уйларига урғочи ёввойи қоплонни олиб келиб, уни ҳам "оила аъзоси" этиб қабул қилади. Вақти соати етиб урғочи қоплондан... ҳиди ўткир суюқ нарса ажралиб чиқиб, у арслонни хушидан кетказиб, маст қилади. "Муҳаббат машаққати"ни билмай қўлда ўсган арслон хушторлик дастидан жинни бўлиб, бир неча одамни ўлдиради. Ит, мушук, йўлбарс ва бошқа ҳайвонларнинг ўзларига хос, "муҳаббат даври" бўлади. Улар худди шу вақтда бир-бири билан яқинлашиб, муҳаббат таъмини тотийди.

Яқинлашган пайтда ҳайвонларнинг урғочиларидан ўткир ҳидли, қон аралаш суюқлик ажралиб чиқади. Уни сезган эркаклари маст бўлиб, урғочиларга яхши кўриниш учун "ҳунар" кўрсатишади, ҳатто бир-бирини рашк қилиб, ўлдиришгача боради. Қизиғи шундаки, "муҳаббат даври" бошлангунга қадар улар бир-бири билан аҳил, тинч ҳаёт кечиришади. Урғочи ҳайвонлар белги бермагунча, эркакларида жинсий хушторлик уйғонмас экан. Улар бундай пайтни ҳафта, ойлаб, баъзан йиллаб кутади.

***Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тайёрлаган.***

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

*Кулгига нима етсин*

### МОДА ҚУРБОНИ

ОНА: Вой, қизим, укангнинг қора шортигини кийиб олибсанми? Боғчага уканг нима кийиб боради?

ҚИЗ: Э-э, укамники эмас, дадамники.

### АВТОБУСДА

ЧИПТАЧИ: За проез-зд, за проез-зд...

ЙЎЛОВЧИ: Ҳой болаларим, шу бечора боядан буён бақириб турибди. Бирортанг унга поезд йўлини кўрсатиб қўйинглар.

### ҚЎШИМЧАСИ...

Дўстлар бир-бири билан суҳбатлашиб ўтирганда, бири шеригига насиҳатомуз луқма ташлади:

— Ўв, жой бермайсанми ёши катталарга?..

— Йўқ.

— Нега? Уялмайсанми...

— Ҳозир ким биринчи бўлиб ўриндиққа ўтириб олса, жой ўшаники.

— Унда йўл карточкасига безбетликни ҳам қўшиб олган экансанда.

### УЧРАШУВ

— Мен бир қизни кўриб ҳайрон қолдим, — деди бир йигит дўстига.

— Қанақа экан? — шошиб сўради дўсти.

— Танишаман десам, сочини ўстириб олган йигит экан.

— Мен ҳам бир куни бир зўр йигитни кўриб қолдим.

— Нима, курашчи эканми?

— Йўқ, мен ҳам сенга ўхшаб адашибман, қиз бола экан.

***Мавлуда ЭГАМНАЗАРОВА.***

## Об-ҳаво

Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 16-19 январь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлиши мумкин. Эрталаблари ва кечқурунлари туман тушиши эҳтимоли бор. Ҳарорат дастлабки кунларда кечалари 0–5 даража совуқ, кундуз кунлари 1 даража совуқ, 4 даража илиқ бўлади. Кейинчалик ҳарорат кўтарилиб, кечалари 0–5 даража, кундуз кунлари эса 5–10 даража атрофида илиқ бўлиши кутилади.

*Ёнғин хавфсизлиги ойлиги*

# "ЎТ БАЛОСИДАН" АСРАСИН!

Ҳар йили республикамизда, шунингдек, вилоятимиз шаҳар ва туманларида содир бўлаётган ёнғинлар оқибатида қанчадан-қанча давлат ва халқ мулки куйиб кулга айланмоқда. Бепарволик, масъулиятсизлик, лоқайдлик, муҳими, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилмаслик туфайли катта моддий ва маънавий зарар кўриляпти. Хўш, бунинг олдини олиш учун қандай ишларни, тадбирларни амалга оширишимиз керак?

Вилоят ёнғинга қарши кураш жамиятининг иш фаолиятида ёнғинга қарши кураш ишлари белгиланган дастурлар асосида олиб борилаётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Вилоятимизда 300 мингдан ортиқроқ газ дудбўронлари ишлаб турибди. Корхоналарда, турли-туман катта ва кичик ташкилот, муассасаларда кимёвий суюқликлар солинган бирламчи "ОХП-10" ҳамда турли хил русумдаги ўт ўчириш асбоблари кўрикдан ўтказилиб, тахт қилиб қўйилган.

Иситиш асбобларини ишга туширишдан аввал мўрилар, вентиляция йўлларининг техник ҳолати текширилиб, бу ҳақдаги ҳужжатлар турар-жойлар бўйича шаҳар ва туман газлаштириш идораларига тақдим этилган. Улар ҳамиша жамиятимиз ходимларининг доимий назорати остидадир.

Шуни ҳам айтиш кераккки, жойлардаги шаҳар ва туман газлаштириш идораларини огоҳлантирмай, газ асбобларини ўрнатиш ва қайта ўрнатиш, уларни газ билан таъминлаш тизимига улаш ишларини ўзбошимчалик билан амалга ошириш мутлақо хавфлидир. Бу каби ишларни жамиятимиз ходимлари, мутахассислари ўз тасарруфларига олишган, улар бу каби камчиликларни бартараф қилишга саъй-ҳаракат кўрсатишмоқда. Албатта, газдан фойдаланишда хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилингандагина, хонадонларимизда бахтсиз ҳодисаларнинг олди олинган бўлади.

Вилоят ёнғинга қарши кураш жамияти тасарруфида 300 киши хизмат қилади. Улар печ қурувчилари, йўриқчилар ва соҳа мутахассисларидир. Уларнинг асосий вазифалари бемаҳал чиқадиган ёнғиннинг олдини олиш. Жойларда аҳолига тушунтириш ишларини олиб бориш ҳам шулар зиммасида. Шуни мамнуният билан қайд эта оламанки, жамиятимиз ходимлари орасида ўз ишининг билимдонлари Сирожиддин Иброҳимов, Сагит Гинаятов, ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Ҳикматилла Норматов, Любовь Ревалар бор экан, ёнғинга қарши кураш жамиятининг юки асло ерда қолмайди.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги гарчи тугаб бораётган бўлса ҳам, биз жамият ходимлари ҳушёрликни қўлдан бермай, аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришда давом этавeрамиз. Асосий мақсадимиз битта: ёнғиннинг олдини олиш ва халқ мулкини ўт балосидан асраб қолиш. Ҳар биримизнинг ҳушёрлигимиз, эҳтиёткорлигимиз бевақт содир бўладиган ёнғинлар олдини олишга қаратилган тақдирдагина, ҳаётимиз фаровон, кунларимиз осуда, тинч ўтади.

***Раҳматилла ҲИКМАТОВ, вилоят ёнғинга қарши кураш жамиятининг раиси.***

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-06. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 14.232 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 18.00. 1 2 3 4 5 6